



QASHQADARYO VILOYATI MIRISHKOR TUMANI HOKIMINING QARORI

181000 O'zbekiston Respublikasi Qashqadaryo viloyati Mirishkor tumani Yangi Mirishkor shaharchasi, tel: 652-18-58, 652-10-34, faks: 652-14-65, 652-19-48

2021 - yil 26 - may

179-4-63-Q/21

Mirishkor tumani hokimiyati

Миришкор туман Гулшанбоғ МФЙ ҳудудидаги захира ерларидан фуқаро Тошқулов Мухриддин Саъдуллаевичга фермер хўжалигини юритиш учун ер участкасини узок муддатли ижарага бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24, 53 моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 11-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрдаги “Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сон қарори, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1 Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасини маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фуқаро **Тошқулов Мухриддин Саъдуллаевичга** пата-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил қилиш учун туман ҳокимлиги захира ерларидан Тожикистон массиви қишлоқ хўжалиги харитасининг 12,24қ-контурларида жойлашган жами 30,0 гектар шундан 30,0 гектар суғориладиган экин ер участкаси 49 йил муддатга ижарага берилсин.

3. “Мухриддин Саъдуллазода” фермер хўжалиги раҳбари **Тошқулов Мухриддин Саъдуллаевичга** ер участкасига бўлган кадастр йиғма жилдларини шакллантириш, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юзасидан мурожаат қилиш (*Давлат хизматлари маркази орқали буюртманоммага асосан*), ер участкасидан белгиланган мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

4. Кадастр агентлиги Миришкор туман бўлими (Б.Хосиятов) ажратилган ер участкасидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини доимий назорат қилиб борсин.

5. “Муҳриддин Саъдуллазода” фермер хўжалиги раҳбари Тошқулов Муҳриддин Саъдуллаевичнинг аризасида кўрсатилган мол-мулклар устав капиталга киритилмаганда, ер ижара шартномаси суд орқали бекор қилиниши огоҳлантирилсин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи халқ депутатлари туман кенгашидан сўралсин.

7. Кадастр палатаси Миришкор туман филиали (А.Қаххоров) ажратилган фермер хўжалигининг ер участкаси чегараларини натурада (жойнинг ўзида) белгиласин ҳамда давлат ер кадастри ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

8. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиб бориш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосари Ж.Абдиназаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Ч.Санаев